

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУМАНИЯЗОВА ДИЛФУЗА АЗАТБАЕВНА**

**УЙҚУ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА  
ЗАРАРЛАНИШЛАРИДАГИ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР ЗАХИРАНИ  
АНИҚЛАШДА УЛТРАТОВУШ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ  
ИМКОНИАТЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

|  |    |
|--|----|
| <b>Джуманиязова Дилфуза Азатбаевна</b><br>Уйқу артерияларининг икки томонлама<br>зарарланишларидаги цереброваскуляр захирани<br>аниқлашда ултратовуш текширувларининг<br>имкониятлари..... | 3  |
| <b>Джуманиязова Дилфуза Азатбаевна</b><br>Возможности ультразвуковых исследований<br>в определении цереброваскулярного резерва<br>при двухсторонних поражениях сонных артерий .....        | 27 |
| <b>Djumaniyazova Dilfuza Azatbayevna</b><br>The possibilities of ultrasound methods<br>in determining cerebrovascular reserve<br>with bilateral lesions of the carotid arteries.....       | 47 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works.....   | 54 |

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ДЖУМАНИЯЗОВА ДИЛФУЗА АЗАТБАЕВНА**

**УЙҚУ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА  
ЗАРАРЛАНИШЛАРИДАГИ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР ЗАХИРАНИ  
АНИҚЛАШДА УЛТРАТОВУШ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2. PhD/Tib1934 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юлбарисов Абдурасул Абдужалилович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжибеков Марат Худайкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Розиходжаева Гулнора Ахмедовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарканд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Н. Абдихакимов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) маълумотларига кўра, бош мия (БМ) томирларининг атеросклеротик зарарланиши ишемик инсултлар (ИИ) ривожланишининг энг кенг тарқалган сабабларидан бири бўлиб, Европа, АҚШ, шунингдек, дунё миқёсида ривожланган ва ривожланаётган бошқа мамлакатларда етакчи этиологик омил ҳисобланади. Дунё бўйлаб ҳар йили 15 миллионга яқин инсулт ҳолатлари содир бўлади, «.....уларнинг 70% ҳолати ўлим билан яқунланади ва сўнгги ўн йилликда инсулт ўлимнинг сабаблари орасида II ўринни эгаллади»<sup>1</sup>. БМ қон айланишининг ўткир бузилиши (БМҚАЎБ) ривожланишининг сабаблари интракраниал томирларнинг эмболиясига олиб келадиган атеросклеротик пиллакчанинг фрагментланиши ва гемодинамик бузилишлар натижасида келиб чиқадиган ва церебрал қон оқими ауторегуляция механизмларининг сусайиши билан боғлиқ бўлган мия гипоперфузияси бўлиши мумкин. Уйқу артерияларини (УА) ўз вақтида жарроҳлик ревазуляризация қилиш, ИИ хавфини камайтиришда самарали эканлиги исботланди. Бироқ, жарроҳлик техникасининг анча олдин ишлаб чиқилганлигига қарамадан, амалиёт пайтида мия перфузиясининг бузилиши ва ўлим ҳолатлари юзага келиши хавфи анча юқорилигича сақланиб қолмоқда, ва, бу борада, цереброваскуляр захирани (ЦВЗ) аниқлаш – замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда ЦВЗни баҳолаш ва аниқлаш бўйича замонавий юқори технологияли усуллардан фойдаланган ҳолда, реаниматология, ангиохирургия, неврология, кардиожарроҳлик, радиология каби турли йўналишлар мутахассислари томонидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, ва бунинг ахамиятлилиги шундаки, реконструктив каротид жарроҳлигининг хусусиятларидан бири - УАнинг қон оқимини вақтинча ўчириш зарурати бўлиб, бу церебрал перфузиянинг гемодинамик бузилиши ва кейинчалик инсултнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли хил ёндашувлардан фойдаланган ҳолда БМ томирларининг ултратовуш текшируви усулларидан синамалар билан биргаликда (компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ва трансстемпорал ёндашувли ТКДС) қўлланилиши, айниқса атеросклерознинг энг оғир когорталаридан бири – УАнинг икки томонлама зарарланишлари бўлган беморларда, ЦВЗни аниқлаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, ва шу бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш – муҳим илмий-амалий йўналишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, цереброваскуляр касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни

---

<sup>1</sup> WHO Cardiovascular Diseases Fact Sheets.: [https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-\(cvds\)](https://www.who.int/en/news-room/fact-sheets/detail/cardiovascular-diseases-(cvds)). – 2022.

ривожлантириш стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария ёрдами соҳасида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш...»<sup>2</sup> ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш каби вазифалар белгилангаги олинган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оғир асоратлар ривожланишининг олдини олиш, шунингдек ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш мақсадида УАларининг атеросклеротик зарарланишларини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ИИ ривожланишининг асосий сабаби БМ дистал артериал ўзанининг УАнинг атеросклеротик пиллакча маҳсулотлари билан эмболияси, шунингдек, стеноздан дисталроқ соҳада ҳажмли қон оқимининг пасайиши ва натижада БМнинг гипоперфузияси ҳисобланади (Покровский А.В., 2014 йил). Шу билан бирга, ИИ ривожланишининг эмбологен назарияси турли муаллифларнинг маълумотлари бўйича тобора кўпроқ тасдиқланмоқда (Meschia J.F., Mono M.L., 2016). Шу билан бирга, интраоператив инсултнинг ривожланиши УАнинг вақтинча сиқилиши ва миянинг гипоперфузияси ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда, БМни жарроҳлик амалиёти асоратларидан ҳимоя қилиш муаммоси очиклигича қолмоқда (Каримов Ш.И., 2019).

УУАни сиқиш пайтида интракраниал артерияларнинг ишемиясини ҳам, ўткир артериал тромбозини ҳам олдини олишга имкон берадиган БМни ҳимоя қилишнинг энг оддий ва энг самарали усули бу вақтинчалик каротид

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони»

шунтлаш (ВКШ) усулидан фойдаланиш ҳисобланади (Лысенко А.В., Белов Ю.В., 2020). Ушбу усулнинг бир қатор ижобий ва бир қатор салбий томонлари мавжуд (Naylor A.R., 2019).

Ҳозирги вақтда, ВКШдан фойдаланиш зарурати ҳақида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Барча каротид реконструкциялар шунт ёрдамида амалга оширилган тадқиқотлар мавжуд, аммо бир қатор мутахассислар, ҳатто контрлатерал УАнинг критик стенози ёки окклюзияси мавжуд бўлса ҳам, қон таъминоти учун коллатерал йўлларнинг етарли даражада ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда (Вавилов В.Н., Токаревич К.К.), ҳатто, ички уйқу артерияларининг критик икки томонлама зарарланишида ҳам шунтдан умуман фойдаланмайдилар (Melgar M.A.). Аксарият муаллифлар мавжуд кўрсатмаларга кўра, селектив равишда шунтлардан фойдаланадилар (Покровский А.В.) Шу билан бирга, жарроҳлик амалиётининг асосий босқичида ВКШдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ишончли далиллар мавжуд эмас (Chongruksut W., Vaniyarong T., Rerkasem K.). Ҳатто БМ магистрал артерияларидан бирининг сезиларли зарарланишида, яхши коллатерал қон айланиши мавжуд бўлса, ҳар доим ҳам мия ишемиясига олиб келмайди (Верещагин Н.В., Джибладзе Д.Н.).

Бир қатор муаллифлар дифференциацияланган ёндашувни тавсия қиладилар ва ВКШ усулини қўллашнинг камчиликларини моддий ва ҳаво эмболиясининг юқори хавфи, интиманинг кўчиши, шунингдек «шунтсиз давр» мавжудлиги деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, ВКШдан фойдаланиш жарроҳлик майдонини кузатиш ва жарроҳнинг манипуляцияларни бажаришини қийинлаштиради ва операция давомийлигини оширади. БМнинг ишемияга нисбатан паст толерантлиги вақтинчалик шунтлашни қўллашга кўрсатма ҳисобланади (Bellosta R, Luzzani L, 2022). Шунини таъкидлаш керакки, БМда қон айланишининг компенсацияси коллатераллар томонидан амалга оширилади. Ўрта мия артерияси(ЎМА)да қон оқими чизикли тезлигининг компрессион синама пайтида 20 см/сек дан ортиқ пасайиши ЎМАда табиий коллатерал қон оқимининг етишмовчилигини белгилайдиган ва ВКШдан фойдаланишни талаб қилувчи критик параметр ҳисобланади. Шунга қарамадан, турли тадқиқотларда юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларнинг ишончилиги бўйича бир-бирига зид маълумотлар тақдим этилган.

Шундай қилиб, уйқу артерияларнинг вақтинчалик окклюзиясининг, ЦВЗ ҳолати ва коллатерал қон айланишининг хусусиятлари билан бевосита боғлиқ булган БМ перфузиясига таъсирини етарли даражада ўрганмаганлиги, шунингдек, жарроҳлик даволашда ВКШдан фойдаланиш учун аниқ мезонларнинг йўқлиги, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда ЦВЗни баҳолаш муаммоси кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилган, хусусан, Ф.Ш.Бахритдинов (1992й), Г.А. Розиходжаева (2005й), Н.Г.Дадамянц (2017й) ва бошқаларнинг тадқиқотларида диагностика ва даволаш масалалари ёритилган. Бироқ

Ўзбекистонда УАнинг икки томонлама атеросклеротик зарарланиши бўлган беморларда ЦВЗни баҳолаш ва аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган ва бу йўналишдаги ишлар долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Бош мия қон томирлари атеросклеротик зарарланишларида цереброваскуляр толерантликни аниқлашда радиологик текширувларни ўрни» (2021-2024) мавзуси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларидаги цереброваскуляр захирани аниқлашни ултратовуш текширувлари ёрдамида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

уйқу артерияларининг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли зарарланишларида цереброваскуляр захирани аниқлашда компрессион синама билан биргаликдаги трансстемпорал ва трансорбитал ёндашувлар орқали транскраниал дуплекс сканерлаш имкониятларини баҳолаш ва унинг камчиликларини аниқлаш;

цереброваскуляр захирани аниқлашда экстра- ва интракраниал артерияларнинг ултратовуш текшируви натижаларини бошқа радиологик усуллар ва бош миянинг ишемияга толерантлиги интраоператив кўрсаткичлари маълумотлари билан солиштириш;

бош миянинг ишемияга толерантлигини ишончли баҳолаш ва таснифлаш имконини берувчи ултратовуш ва бошқа радиологик текширув усулларида фойдаланишга асосланган цереброваскуляр захирани аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган алгоритм самарадорлигини ўрганиш ва цереброваскуляр захирани аниқлаш учун ултратовуш мезонларини, шунингдек, уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларида вақтинчалик каротид шунтлашни қўллашга кўрсатмаларни тизимлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 38 ёшдан 81 ёшгача бўлган 120 нафар УАнинг икки томонлама атеросклеротик зарарланишлари брахиоцефал артерияларининг дуплекс сканерлаш (БЦА ДС) ва мултиспирал компьютер томографик ангиографияси (МСКТА) маълумотлари билан тасдиқланган шахслар, улардан 55 нафари назорат гуруҳга, 65 нафари асосий гуруҳга ажратилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида компрессион синама билан биргаликдаги трансстемпорал ёки трансорбитал ёндашувли транскраниал дуплекс сканерлаш (ТКДС) маълумотлари, БМнинг компьютер-томографик перфузияси (БМ КТ-перфузияси) ва селектив рентген контрастли ангиография маълумотлари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник, инструментал, (БЦА ДС, ТКДС, синамалар билан биргаликда, МСКТА, БМ

КТ-перфузияси, селектив рентген контрастли ангиография) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

компрессион синама билан биргаликдаги ТКДСнинг трансорбитал ёндашувининг, артериянинг трансдюсерга максимал яқинлиги ва синама пайтидаги фиксацияланганлиги ҳисобига, уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларида цереброваскуляр захирани аниқлашдаги самарадорлиги исботланган.

компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС бўйича-қон оқимининг чизиқли тезлигининг 75%-100% гача тушиши ва бош мия КТ перфузияси бўйича – бош мия қон оқимининг 40мл/100гр/дақиқадан пасайиши каротид реконструкциядаги гипоперфузиянинг предикторлари эканлиги исботланган.

уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларида бош мия томирлари ултратовуш текширувларининг компрессион синама билан ўтказилгандаги, каротид реконструкция пайтига хос – бош мия гипоперфузия шароити ҳосил қилиниши натижасида аниқланган кўрсатмаларга асосланиб, вақтинчалик каротид шунтдан фойдаланиш афзаллиги исботланган.

уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларида цереброваскуляр захирани аниқлашда, компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС бўйича – қон оқимининг чизиқли тезлигининг 75%-100% гача тушишида, бош мия микроциркулясини баҳолаш учун КТ-перфузиянинг қўлланилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

УАнинг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда ЦВЗни аниқлаш ва баҳолашда компрессион синама билан биргаликда трансорбитал ёндашувли ТКДСнинг ахборот мазмуни, сезгирлиги ва спецификлиги аниқланган.

УАнинг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда БМ микроциркуляцияси КТ-перфузия параметрларининг референс қийматлари аниқланган.

Радиологик текширув усулларини комплекс қўллаш асосида, УАнинг икки томонлама зарарланишлари бўлган беморларда ЦВЗни аниқлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган бўлиб, улардан фойдаланиш БМнинг интраоператив гипоперфузиясини юқори аниқлик билан башорат қилиш имкониятига эгаллиги аниқланган.

ВКШни қўллашни мақбуллаштирувчи ва профилактик қўлланилишини инкор қилувчи кўрсатмалар аниқланди, бу периператив асоратларнинг профилактикаси ҳисобланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланиладиган назарий ёндашув ва усулларнинг мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, рақамли маълумотларнинг статистик қайта ишланганлиги,

шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, УАнинг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли атеросклеротик зарарланишлари бўлган – СБМҚАЕ билан хасталанган беморларнинг энг оғир когортасида ЦВЗни аниқлаш учун ултратовуш мезонлари ишлаб чиқилди. Ва булар, ўз навбатида, даволаш турини танлаш, жарроҳлик йўли билан даволашда – даволашнинг усули, очик ёки эндоваскуляр турини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, жарроҳлик амалиётидан олдинги босқичда, ВКШни қўллашга, БМнинг интраоператив гипоперфузиясини аниқ башорат қиладиган кўрсатмалар аниқланди, бу ВКШни профилактик қўлланилишини истисно қилади, шунингдек, эҳтимолли интраоператив асоратларни бартараф қилиш учун ўз вақтида профилактика чораларини қўллашга имкон беради, бу эса, ўз навбатида интраоператив инсултни сезиларли даражада камайтиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, УАнинг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм барча ихтисосликдаги беморлар учун диагностика мақсадларида, шунингдек диагностика ва даволаш-тактик тадбирларни мақбуллаштириш учун ишлатилиши мумкин, ундан ташқари, ВКШни қўллаш учун тавсия этилган кўрсатмалар УАнинг атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларни даволашнинг бевосита натижаларини яхшилаш ва интраоператив инсултларни камайштиришга имкон берди. Тавсия этилган, ишлаб чиқилган диагностика алгоритмидан фойдаланиш диагностик минимумни мақбуллаштириш, тактик хатоликларга йўл қўймаслик, шунингдек, даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 июлдаги 4-сонли хулосасига биноан:

1-илмий янгилиги. Илмий янгиликнинг моҳияти: компрессион синама билан биргаликдаги ТКДСнинг трансорбитал ёндашувида артериянинг трансдюзерга максимал яқинлиги ва синама пайтидаги фиксацияланганлиги хисобига УАнинг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлашдаги самарадорлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: компрессион синама билан биргаликдаги ТКДСнинг трансорбитал ёндашувида УАнинг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги илмий асосланган. Илмий янгиликни амалиётга тадбиқ этилиши: ишлаб чиқилган диагностика усуллари мажмуаси 2024-йил 14-мартдаги №71/АФ буйруғи билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 18-мартдаги №56 I/СН буйруғи билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги шундан иборатки, УАнинг икки томонлама зарарланиши бўлган беморларда компрессион синама билан биргаликдаги

трансорбитал ёндашувли ТКДС ёрдамида ЦВЗни аниқлаш усули, муқобил диагностика ва даволаш муолажаларини белгилайди, ва даволаш самарадорлигини оширади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагидан иборат: УАнинг икки томонлама зарарланиши бўлган беморларда, компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДСнинг ёрдамида ЦВЗни аниқлашга амалий ёндашув, қуйидаги иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон берди: компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС ва БМ КТ-перфузияси усулларининг ўртача нархи, мос равишда,  $150\ 000 \pm 50\ 000$  сўм ва  $1500\ 000 \pm 200\ 000$  сўмни ташкил этди. ЦВЗни фақат компрессион синама билан биргаликдаги ТКДСдан фойдаланган ҳолда аниқлаш, 1 беморга диагностика муолажалари нархининг ўртача камайиши  $1\ 350\ 000 \pm 150\ 000$  сўмни ташкил этди.

Хулоса: УАнинг икки томонлама зарарланишида компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДС ёрдамида ЦВЗни аниқлаш, диагностика ва даволашга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, беморларнинг моддий харажатларини камайтириш имконини беради.

2-илмий янгилиги. Илмий янгиликнинг моҳияти: компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС бўйича-қон оқимининг чизиқли тезлигининг 75%-100% гача тушиши ва бош мия КТ перфузияси бўйича – бош мия қон оқимининг 40мл/100гр/дақиқадан пасайиши каротид реконструкциядаги гипоперфузиянинг предикторлари эканлиги исботланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС бўйича-қон оқимининг чизиқли тезлигининг 75%-100% гача тушиши ва БМ КТ перфузияси бўйича-БМ қон оқимининг 40мл/100гр/дақиқадан пасайиши каротид реконструкциядаги гипоперфузиянинг предикторлари эканлиги илмий асосланган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши: ишлаб чиқилган диагностика усуллари мажмуаси 2024-йил 14-мартдаги №71/АФ буйруғи билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 18-мартдаги №56 I/СН буйруғи билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги каротид реконструкцияси режалаштирилаётган беморларда, компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДС ва БМ КТ-перфузиясидан комплекс фойдаланиш натижасида интраоператив гипоперфузиянинг предикторларини аниқлаш ҳисобига, СБМҚАЕ билан оғриган беморларнинг оғир когортасида, жарроҳлик амалиёти асоратларининг профилактикасида ва, ногиронликнинг кўпайишини олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: каротид реконструкцияси режалаштирилаётган беморларда интраоператив гипоперфузиянинг предикторларини аниқлаш, жарроҳлик даволашнинг тегишли усулини танлашга асос бўлади, шунингдек, интраоператив инсултнинг профилактикаси, даволаш самарадорлигини оширади ва ногиронликнинг кўпайишига тўсқинлик қилади. Ногирон беморни оиласида парвариш қилаётган хар бир нафар меҳнатга лаёқатли вояга етган шахснинг энг кам ойлик иш ҳақидан

келиб чиққан холда – оила бюджетига 621 000 сўм миқдорида иқтисодий зарар етказилишининг олди олинади.

Хулоса: каротид реконструкцияси режалаштирилган беморларда ногиронликнинг ўсиши профилактикаси мақсадида, интраоператив гипоперфузиянинг предикторларини аниқлаш учун, ушбу радиологик текширувларни ўтказишнинг аҳамияти ва зарурлигини белгилайди.

3-илмий янгилиги. Илмий янгиликнинг моҳияти: УАнинг икки томонлама зарарланишларида БМ томирлари ултратовуш текширувларининг компрессион синама билан ўтказилгандаги, каротид реконструкция пайтига хос – бош мия гипоперфузия шароити ҳосил қилиниши натижасида аниқланган кўрсатмаларга асосланиб, вақтинчалик каротид шундан фойдаланиш афзаллиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: УАнинг икки томонлама зарарланишларида БМ томирлари ултратовуш текширувларининг компрессион синама билан ўтказилгандаги кўрсатмаларига асосланиб, ВКШни қўллашга кўрсатмаларини қўллаш, ВКШдан фойдаланишнинг 38% дан 12,3% гача пасайишига олиб келди ( $p < 0,001$ ). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши: ишлаб чиқилган диагностика усуллари мажмуаси 2024-йил 14-мартдаги №71/АФ буйруғи билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 18-мартдаги №56 I/СН буйруғи билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДС натижаларига асосланган кўрсатмаларга мувофиқ ВКШни қўллаш – ВКШдан профилактик фойдаланишнинг олдини олишга олиб келади, бунинг натижасида эса, интраоператив инсулт частотасининг пасайиши, даволаш самарадорлигининг ошиши ва ногиронлик кўпайишининг олди олинисидан келиб чиқади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДС натижаларига асосланган кўрсатмаларга мувофиқ ВКШни қўллаш – ВКШдан профилактик фойдаланишни бартараф қилади ва беморларнинг моддий ресурсларини деярли ярмига камайтириш имконини беради, чунки, ВКШни қўллаш билан кечган жарроҳлик йўли билан даволаш нархи 10 500 000 сўмни, ВКШ ишлатмаганда - 6 000 000 сўмни ташкил қилади, бинобарин, иқтисодий самарадорлик ҳар бир беморга 4 500 000 сўмни ташкил этади.

Хулоса: каротид амалиёти режалаштирилганидаги, амалиётдан олдинги даврда ВКШни қўллаш учун кўрсатмаларни аниқлаш жуда муҳим рол ўйнайди, чунки, кузатилиши мумкин бўлган оғир асоратлар беморларнинг ҳаётига ҳам моддий, ҳам ижтимоий таъсир кўрсатади.

4-илмий янгилиги. Илмий янгиликнинг моҳияти: УАнинг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлашда компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли ТКДС бўйича-қон оқимининг чизикли тезлигининг 75%-100% гача тушганида БМ микроциркуляциясини баҳолаш учун КТ-перфузиясинининг қўлланилиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: УАнинг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлашда компрессион синама билан биргаликдаги трансорбитал ёндашувли

ТКДС бўйича-қон оқимининг чизиқли тезлигининг 75%-100% гача тушганида БМ микроциркуляциясини баҳолаш учун КТ-перфузиясинининг қўлланилиши аниқланган ва илмий асосланган. Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши: ишлаб чиқилган диагностика усуллари мажмуаси 2024-йил 14-мартдаги №71/АФ буйруғи билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024-йил 18-мартдаги №56 I/СН буйруғи билан амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги радиологик усулларни комплекс қўллаш алгоритмидан фойдаланган ҳолда беморларда ЦВЗни аниқлаш, жарроҳлик даволаш турини танлашда муҳим рол ўйнайди ва ВКШдан фойдаланишни мақбуллаштириш орқали интраоператив асоратлар частотасини сезиларли даражада камайтиради, жарроҳлик даволаш самарадорлигини оширади ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: жарроҳлик даволаш турини танлаш (очиқ ёки эндоваскуляр), шунингдек, ишлаб чиқилган алгоритм натижаларига кўра ВКШдан фойдаланиш ёки ундан фойдаланишни истисно қилиш, жарроҳлик даволаш усулини танлашни асослаш ва моддий ресурсларни ҳар бир беморга, 4 500 000 ёки 12 000 000 сўмга камайтириш имконини беради.

Хулоса: жарроҳлик даволаш турини танлашда муҳим рол ўйнайдиган радиологик усулларни комплекс қўллаш учун ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланган ҳолда беморларда ЦВЗни аниқлаш, интраоператив инсулт частотасини 3,6% дан 1,5% гача камайтирди ( $p < 0,05$ ).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий анжуманларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларини нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар чоп этилган, жумладан: 1 та услубий тавсиянома, 2 та ЭҲМ дастури, 6 та мақола ва 9 та тезис.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Уйқу артерияларининг икки томонлама зараланишларида диагностика ва гемодинамиканинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида мия артерияларининг атеросклеротик

зарарланишларининг этиологик ва патогенетик жиҳатлари, шунингдек, уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларида миянинг ишемик шикастланиши эпидемиологияси бўйича адабиёт маълумотлари батафсил келтирилган. Хусусан, анатомия, гемодинамика, мия қон оқимининг физиологияси ва авторегуляциянинг фундаментал хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, ПЭТ, миянинг МР перфузияси, миянинг КТ перфузияси ва транскраниал дуплекс сканерлаш каби ЦВЗ диагностикасининг замонавий усуллари батафсил ёритилган. Ушбу бобнинг хулосаси сифатида, бугунги кунда замонавий тиббиётнинг ривожланишига қарамай, мия томирларининг атеросклеротик шикастланишлари барча йўналишларда жуда тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани ва, айниқса, СБҚМЕнинг жуда оғир когортаси, яъни уйқу артерияларининг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли атеросклеротик зараланишлари бўлган, каротид реконструкцияга мухтож беморларда ЦВЗни диагностикаси ҳали ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқдалиги келтирилган.

**Диссертациянинг «Уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларидаги цереброваскуляр захирани аниқлашда ултратовуш текширувларининг имкониятларини баҳолашнинг клиник материал ва тадқиқот усуллариининг умумий хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида, клиник материалнинг умумий тавсифи, диагностика муолажаларининг протоколи ва кетма-кетлиги, шунингдек, бир қатор радиологик текширув усуллариининг маълумотлари келтирилган.

Тадқиқотнинг асосини Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказида 2019-2023-йилларда кўриқдан ўтган ва босқичма-босқич жарроҳлик даволаш муолажалари амалга оширилган 120 нафар беморнинг натижалари ташкил этди.

Тадқиқот учун киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: УАнинг симптоматик икки томонлама атеросклеротик 60% дан ортик стенозлари, шунингдек, асимптоматик икки томонлама атеросклеротик 70% дан ортик стенозлари бўлган беморлар.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари: контрлатерал УАлари окклюзияси, ўмров ости артерияларининг критик стенози, носпецифик аортоартериит, фиброз-мушак дисплазияси, коронар ва каротид ҳавзаларнинг бир вақтнинг ўзида коррекция қилишни талаб қиладиган ҳолатдаги бўлган беморлар, шунингдек, офталмологик жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврида, тўр парданинг ва шишасимон тананинг кўчиши, макуланинг шиши бўлган беморлар. Беморлар 2 гуруҳга ажратилди.


Биринчи (назорат) гуруҳ, 2019-2021 йилларда компрессион синама билан биргаликдаги трансстемпорал ёндашув орқали ТКДС ўтказилган ва уйқу артерияларида ВКШни қўллаш учун кўрсатмаларини белгилайдиган, БМнинг ишемияга толерантлигини интраоператив баҳолаш маълумотларига асосланган, стандарт тактикага мувофиқ амалга оширилган, икки томонлама босқичма-босқич реконструктив операциялар ўтказилган 55 (45,8%) нафар бемордан ташкил топди.

Иккинчи (асосий) гуруҳ, 2021-2023 йилларда, компрессион синамаси


билан биргаликдаги иккита ёндашувдан фойдаланилган ТКДС, шунингдек, БМ КТ-перфузияси ва селектив рентген контрастли ангиография маълумотлари натижаларига асосланиб, реконструктив жарроҳлик амалиётидан ўтган 65 (54,2%) нафар бемордан ташкил топди. Асосий гуруҳда, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, БМнинг ишемияга толерантлигини интраоператив компрессион баҳолаш синамаси ўтказилмади, чунки ВКШни қўллаш, каротид реконструкцияси амалиётидан олдин УАнинг икки томонлама зараланишлари бўлган беморларда ЦВЗни аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланишга асосланган ҳолда қарор қилинган.

Иккала гуруҳда ҳам эркак беморлар сони устунлик қилди, улар назорат гуруҳида жами 41 (74,5%) ва асосий гуруҳда 45 (69,2%) ни ташкил этди. Иккала гуруҳдаги беморларнинг асосий контингентини ўрта ёшдагилар (45-74 ёш) ташкил этди. Иккала гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши  $59 \pm 4,2$  ёшни ташкил этди. Иккала гуруҳдаги барча 120 (100%) беморда ички уйқу артериясининг икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли стенози устунлик қилди. Иккала гуруҳдаги беморлар ёши, жинси, СБМҚАЕ босқичлари, ёндош касалликлар тури ва каротид реконструкция турлари бўйича статистик жиҳатдан мос келади. Иккала гуруҳдаги барча беморларда қуйидаги диагностика усуллари қўлланилди: БЦА ДС, компрессион синама билан биргаликда ТКДС, ЭхоКГ, аорта ёйи ва Виллизий халқаси артерияларининг МСКТА, хусусан: асосий гуруҳнинг алоҳида беморларига БМ КТ-перфузияси ва селектив рентген контрастли ангиография.

Илмий тадқиқотнинг асосий усули бўлган - Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган Самсунг HS40 стационар ултратовуш сканерида, чизиқли ва сектор датчикларидан фойдаланган ҳолда тегишли режимларда амалга оширилган компрессион синови билан биргаликдаги транстемпорал ва трансорбитал ёндашувли ТКДС батафсил ёритилган (1-5 расмлар).




1-расм. ТКДС:транстемпорал ёндашув.




2-расм. ТКДС:триплекс режими.



3-расм. ТКДС: трансорбитал ёндашув.



4-расм. ТКДС: триплекс режими.



5-расм. Компрессион синама.

Кейинчалик, иккала гуруҳ учун бир қатор тавсифловчи маълумотлар: жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, СБМҚМЕ босқичлари, ёндош касалликлар ва компрессион синама билан биргаликда ўтказилган ТКДС натижалари бўйича асосий маълумотлар келтирилади. Жаррохлик амалиётидан кейинги эрта даврда умумий клиник текширув усуллари зарурат бўлганда амалга оширилди. Асосий гуруҳнинг айрим беморларига, индивидуал равишда, жаррохлик амалиётлари босқичлари оралиғида, радиологик текширув усулларида, БМ микроциркуляциясидаги ўзгаришларни баҳолаш учун КТ-перфузия ва коллатерал артерияларни аниқлаш учун селектив рентген контрастли ангиография текширувлари ўтказилди.

Диссертациянинг «Уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларини ултратовуш текширув усуллари ва БМнинг ишемияга толерантлигини интраоператив баҳолаш маълумотлари бўйича даволаш натижалари (назорат гуруҳи)» деб номланган учинчи бобида, 55 нафар беморни текшириш ва даволаш натижалари келтирилган. Ушбу бобда назорат гуруҳида ўтказилган диагностик текширувлар ва УАнинг икки томонлама зарарланишларини жаррохлик даволаш натижалари

маълумотлари ва беморларда кузатилган периоператив асоратлар батафсил таҳлили келтирилган.

Бобнинг натижаларига кўра, босқичма-босқич реконструктив амалиётлар маълумотлари ва амалиётлар пайтида ВКШни қўллаш частотаси келтирилган. Назорат гуруҳидаги беморларда ўтказилган жами 110 (100%) каротид реконструкцияларидан, ВКШни қўллаш 2-босқичда устунроқлиги аниқланди. Биринчи босқичда ВКШнинг қўлланилиши 11 (20%) ҳолатда аутовеноз ямоқ билан классик каротид эндартерэктомия (КЭАЭ) пайтида, 1 (1,8%) ҳолатда аллотрансплантат билан КЭАЭда, шунингдек 2 (3,6%) ҳолатда эверсион каротид эндартерэктомияда қўлланилгани аниқланган. Асосий қизиқишни 2-босқичдаги ВКШни қўллаш уйғотди: аутовеноз ямоқ билан КЭАЭ да 21 (38,0%) ҳолатда, аллотрансплантат билан КЭАЭ да 3 ҳолатда (5,4%) ва эверсион каротид эндартерэктомияда 4 ҳолатда (7,2%) қўлланилди. Босқичли амалиётлар маълумотларини таҳлил қилиш натижасида, ВКШ 1-босқичда 14 (25,4%) беморда ва 2-босқичда 28 (50,8%) беморда қўлланилган деган хулосага келинди. Жаррохлик амалиётидан олдинги даврда ўтказилган компрессион синама билан биргаликда амалга оширилган ТКДС натижаларининг, БМнинг ишемияга толерантлиги бўйича интраоператив синама маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ва номувофиқлик ҳолатлари таҳлил қилинди. МСКТА маълумотларига кўра, ВХ тузилиши ўрганилганлиги сабабли, 55 (100%) беморнинг 21 тасида (38,2%) ёпиқ ВХ аниқланди ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 21 та ҳолатдан 17 тасида (81,0%) компрессион синама билан биргаликда ўтказилган ТКДСнинг жаррохлик амалиётидан олдинги хулосалари БМнинг ишемияга толерантлиги бўйича интраоператив баҳолаш маълумотларига тўлиқ мос келди, яъни юқори толерантлик прогнози операция давомида тасдиқланди, бироқ 4 (19,0%) ҳолатда интраоператив толерантлик критик ҳолатдалиги аниқланди.

Жаррохлик амалиётидан кейинги даврда вазиятлар синчковлик билан ўрганилди ва таҳлил қилинди, ва ёпиқ ВХ бўлган беморларда кузатилган интраоператив паст толерантлик сабаблари аниқланди. МСКТА маълумотларини ўрганиш ва таққослаш натижасида: 4 та (19,0%) ҳолатдаги, олдинги бириктирувчи артерия (БА) мавжудлиги ва ўтказувчанлигига қарамасдан, қолган артерияларда тотал атеросклеротик шикастланишлар аниқланганлиги маълум бўлди. Қолган 34 (61,8%) нотўлиқ ВХ бўлган беморларнинг интраоператив толерантлик маълумотларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижасида, 34 (61,8%) беморда ВХ очиқлигининг сабаби аниқланди: 13 ҳолатда (38,2%) орқа БА аплазияси, 11 ҳолатда (32,3%) олдинги БА аплазияси ва 10 (29,5%) ҳолатда изоляцияланган ЎМА кузатилди. Кейинги қиёсий таҳлил натижасида маълум бўлдики, орқа БА аплазиясининг 13 (38,2%) ҳолатидан 9 (69,2%) ҳолларда интраоператив толерантлик маълумотлари билан тўлиқ мувофиқлик, қолган 4 (30,8%) ҳолатда эса интраоператив маълумотлар билан номувофиқлик кузатилди, яъни натижалар соҳта-ижобий бўлди. Шунингдек, компенсация нуқтаи назаридан ВХнинг энг муҳим артерияси – олдинги БАнинг аплазияси 11 (32,3%) ҳолатда кузатилди, шундан 8 (72,7%) ҳолатда интраоператив маълумотлар билан тўлиқ

мувофиқлик кузатилди, 3 (27,3%) ҳолатда эса интраоператив толерантлик маълумотлари билан номувофиқлик аниқланди. Изоляцияланган ЎМА нотўлиқ ВХ тузилишининг энг оғир варианты ҳисобланади ва у 55 (100%) беморнинг 10 тасида (29,5%) кузатилди, ва МСКТА текширувида тасдиқланди. Шуниси қизиқки: 6 (60,0%) ҳолатда юқори интраоператив толерантлик, 4 (40,0%) ҳолатда эса паст толерантлик кузатилди. Мантиқан олганда, ЎМА изоляциясининг ўзи 100% ҳолларда паст толерантликни олдиндан белгилаб бериши керак, аммо, шунга қарамасдан, кузатувлар 6 (60,0%) ҳолатда бунинг аксини кўрсатди.

Юқоридаги, мантикий тушунарсиз ҳолатлар, жарроҳлик амалиётидан олдинги маълумотларни интраоператив толерантлик маълумотлари билан таққослашнинг номувофиқ натижалари ва бунинг аниқ сабабларининг йўқлиги, кейинги илмий изланишлар учун асос бўлди. Кейинчалик, интраоператив толерантлик маълумотлари билан компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС натижаларининг қиёсий таҳлили ўтказилди, бунинг натижасида ТКДС нинг «сезгирлиги», яъни 81,1% ҳолатда усул маълумотларининг интраоператив маълумотлар билан мувофиқлиги аниқланди. Чин «-» натижа эса, 7,9% ҳолларда кузатилди, яъни «спецификлик» 92,1% ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг хулосаси сифатида, назорат гуруҳидаги беморларнинг текширувлари, даволаш ва асоратларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги саволлар: нима учун жарроҳлик аралашувларининг биринчи босқичида компрессион синама билан биргаликда ўтказилган ТКДС ёрдамида аниқланган БМнинг ишемияга юқори толерантлиги иккинчи босқичда паст ёки аксинча бўлиб чиқди, шунингдек – жарроҳлик амалиётидан олдинги давр маълумотлари ва БМнинг ишемияга интраоператив толерантлиги маълумотлар ўртасидаги номувофиқликнинг сабаби нимада каби саволлар келтирилган. Икки томонлама гемодинамик жиҳатдан аҳамиятли стенозлари бўлган беморларни – жарроҳлик амалиётидан олдин тайёрлаш ва уларга жарроҳлик аралашувларни асоратларсиз ўтказиш бугунги куннинг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда. ИИ каби интраоператив асоратларнинг частотаси, айниқса БМнинг ишемияга толерантлигини интраоператив аниқлаш синамасини ўтказишдаги асоратларнинг частотаси, шунингдек, компрессион синама билан биргаликда ўтказилган ТКДС маълумотлари ва БМнинг ишемияга толерантлигининг интраоператив маълумотлари ўртасидаги номувофиқлик, ва ВКШнинг қўлланилиши, ҳамда ВКШдан фойдаланишнинг асоратлари, ушбу илмий тадқиқот учун асос бўлди.


ЦВЗни аниқлашни такомиллаштириш ва айниқса, жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда ВКШни қўллаш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд, бу БМнинг ишемияга интраоператив гипоперфузиясини ишончли башорат қилиши мумкин, бунинг асосида БМнинг ишемияга интраоператив толерантлигини аниқлаш синамасини ўтказишдан воз кечиш мумкин, бу ўз навбатида жарроҳлик аралашуви пайтидаги жиддий асоратлар юқори хавфи билан боғлиқ.

Жарроҳлик амалиётидан олдинги босқичда аниқланган ЦВЗ ҳолати

тўғрисидаги ишончли маълумотлар, биринчи навбатда, даволаш турини танлашда муҳим рол ўйнайди ва агар жарроҳлик аралашуви зарур деб топилса, бу очик аралашувни ўтказмаслик ва муқобил усул сифатида эндоваскуляр стентлашни амалга ошириш учун етарлича асос бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «Уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларидаги цереброваскуляр захирани аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритмни амалий қўллаш натижалари (асосий гуруҳ)» деб номланган тўртинчи бобида, юқори диагностик аҳамиятга эга бўлган ва назорат гуруҳидаги беморларни текшириш ва даволаш натижаларининг камчиликларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган УАларининг икки томонлама зарарланишларида ЦВЗни аниқлаш алгоритмидан фойдаланиш асосида 65 беморни текшириш ва даволаш маълумотлари тақдим этилади (6-расм).

Жами 130 та текширув ўтказилди (65 беморга нисбатан), назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, ушбу текширув 103 (79,2%) ҳолатда трансорбитал ёндашув орқали амалга оширилди, 27 (20,8%) ҳолатда эса, яъни, трансорбитал ёндашув учун қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган беморларда, масалан: тўр парданинг кўчиши хавфи ва факти, шишасимон тананинг кўчиши ҳолатларида, макула шишида, кўз артерияларининг (КА) критик торайишида, офталмологик жарроҳлик амалиётдан кейинги эрта даврда, текширув анъанавий транстемпорал ёндашув орқали амалга оширилди (1-жадвал).



6-расм. Уйқу артерияларининг икки томонлама зарарланишларидаги ЦВЗни аниқлаш алгоритми.

**1-жадвал****Компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС ёндашувлари  
(n=65, 130 текширувга нисбатан)**

| <b>Акустик ёндашув</b> | <b>сон</b> | <b>%</b>    |
|------------------------|------------|-------------|
| Транстемпорал          | 27         | 20,8        |
| Трансорбитал           | 103        | 79,2        |
| <b>Жами</b>            | <b>130</b> | <b>100%</b> |

ЦВЗни баҳолаш – ишлаб чиқилган алгоритм маълумотлари бўйича амалга оширилди. ЦВЗни аниқлаш учун ултратовуш мезонлари сифатида - иккита артерия: ЎМА ва КАларда қон оқими чизиқли тезлигининг (ҚОЧТ) ўзгариши миқдорий параметр сифатида қабул қилинди.

I даража - юқори толерантлик: ЎМА ёки КАда ҚОЧТи бошланғич даражадан 25% гача камаяди ва 3 минут ичида барқарорлашади;

II даража - ўртача толерантлик: ЎМА ёки КАда ҚОЧТи бошланғич даражадан 50% гача камаяди ва 3 минут ичида барқарорлашади;

III даража - паст толерантлик: ЎМА ёки КАда ҚОЧТи бошланғич даражадан 75% ёки ундан кўпроқ камаяди ва 3 минут ичида барқарорлашмайди;

IV даража - критик толерантлик: ЎМА ёки КАда ҚОЧТи 0 гача тушади ва 5-10 юрак цикли давомида қайта тикланмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотда, ҚОЧТдан ташқари, кўрсаткичларидан: овершут коэффициенти, қон оқимининг йўналиши ва тури каби параметрлар ҳам баҳоланди. 65 (100%) беморда икки томонлама жарроҳлик амалиёти ўтказилганлиги сабабли, 130 (100%) ҳолатда компрессион синамалар натижалари тақдим этилган. Қуйидаги маълумотларга кўра: 81 (62,3%) ҳолатда юқори толерантлик, 22 (17,0%) ҳолатда ўртача толерантлик, 24 (18,4%) ҳолатда паст толерантлик ва 3 (2,3%) ҳолатда критик толерантлик қайд этилди (2-жадвал).

**2-жадвал****Алгоритмга мувофиқ компрессион синама билан биргаликда  
кулланилган ТКДС ёрдамида ЦВЗни аниқлаш натижалари  
(n=65, 130 текширувга нисбатан)**

| <b>БМнинг ишемияга толерантлик даражаси</b> | <b>сон</b> | <b>%</b>    |
|---|------------|-------------|
| Баланд                                      | 81         | 62,3        |
| Ўрта  | 22         | 17,0        |
| Паст  | 24         | 18,4        |
| Критик                                      | 3          | 2,3         |
| <b>Жами</b>                                 | <b>130</b> | <b>100%</b> |

Кейинчалик, компрессион синама билан биргаликда трансорбитал ёндашувдан фойдаланган ҳолда ТКДС натижасида олинган толерантликни, интраоператив маълумотлари билан қиёсий таҳлили ўтказилди, бунинг

натижасида 96,3% ҳолларда ТКДСнинг «сезгирлиги», яъни усулнинг интраоператив маълумотлар билан мувофиқлиги аниқланди. 1,7% ҳолларда чин «-» натижа кузатилди, яъни, «спецификлиги» 98,3% ни ташкил этди.

Шунингдек, БМнинг ишемияга толерантлигини баҳолаш мақсадида адабиётда келтирилган ТКДС усулини трансстемпорал ёндашув орқали амалга ошириш ва юқори сифатли визуализация танлов гуруҳларимиздаги беморларда кузатиладиган церебрал атеросклероз туфайли, барча беморларда ҳам бажаришнинг имкони йўқ деган хулоса чиқарилди. Кейинчалик, ишлаб чиқилган алгоритмга мувофиқ, компрессион синама билан биргаликдаги ТКДС маълумотлари бўйича паст ва критик толерантлик кўрсаткичлари бўлган 14 (21,5%) нафар беморда БМнинг микроциркуляциясини чуқурроқ ўрганиш учун биринчи марта КТ-перфузия усули қўлланилди. БМ КТ-перфузия натижалари билан қиёсий таҳлил қилинганда, барча 65 (100%) беморларнинг 37 (57,0%) нафарида – очик ВХ борлигини ҳисобга олган ҳолда, қон оқими ҳажмининг ўртача қиймати (CBV) – 3,1 мл/100г, қон оқимининг тезлиги (CBF) барча беморларда меъёрда – 40 мл/100/мин ва ундан юқори, ва ўрганилган соҳаларда қоннинг ўтиш вақти (MTT) – 4,5с.ни ташкил этди. Жаррохлик амалиётидан кейинги даврда ўтказилган чуқур таҳлил шуни кўрсатдики, БМ нинг пешона ва чакка соҳаси каби 2 та қизиқтирувчи зонасида паст ва критик толерантликнинг чин «+» маълумотларига эга бўлган беморларда КТ-перфузиясининг асосий 3 параметри: CBF, CBV, MTT бўйича БМ микроциркуляциясининг анча паст кўрсаткичлари қайд этилди, яъни, чакка соҳасида CBFнинг ўртача қиймати-38,5±1,9мл/100/дақ., CBV-2,2±0,4мл/100г, MTT-2,2±0,5 секунд, пешона соҳасида CBFнинг ўртача қиймати-37,3±1,7мл/100/дақ., CBV ўртача-1,8±0,5 мл/100 г, MTT ўртача-2,3±0,3 см/сек.ни ташкил этди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### БМ КТ-перфузиясининг солиштирма натижалари (n=14)

| Жами<br>n=14    | БМ<br>булимлари | CBF, мл/100/мин<br>N>39мл/100/мин |          | CBV, мл/100 г<br>N>1-1,5мл/100г |         | MTT, сек<br>N<6 сек |         |
|-----------------|-----------------|-----------------------------------|----------|---------------------------------|---------|---------------------|---------|
|                 |                 | ўнг                               | чап      | ўнг                             | чап     | ўнг                 | чап     |
| чин (+)<br>n=8  | Чакка           | 34,5±1,9                          | 35,1±1,4 | 2,1±0,4                         | 2,3±0,3 | 2,2±0,2             | 2,1±0,1 |
|                 | Пешона          | 37,3±1,7                          | 38,4±1,9 | 1,8±0,5                         | 2,2±0,3 | 2,3±0,3             | 2,2±0,4 |
